# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ.

№ 9

**Бухоро ш.** **2022 йил «24» январь**

**«TIBTEXNIKA-RENO MEDICAL» МЧЖ ҚҚ «Сотувчи»** деб юритилади, Низом асосида харакат килувчи рахбари **Жумаев О.Т.** номидан, бир томондан ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси кейинги **уринларда «Сотиб олувчи»** деб юритилади. Узининг низоми асосида иш юритувчи рахбари Юсупова Зайнаб Мухторовна номидан, иккинчи томондан куйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Сотувчи узига тегишли товарни Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу товарни кабул килиш ва белгиланган муддатда тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар хакида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 кисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.

1.3. № 1

| № | Махсулот номи | Ул. Бирл. | Микдор | Нарх | Етказиб бериш киймати | ККС | | Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | % | сумма | |
| 1 | **Индикаторы стерил. СТЕРИТЕСТ-132*20/1000 (ички)** | комп | 12 | 270 000 | 3 240 000 | 15 | 486 000 | 3 726 000 |
| 2 | **Индикаторы стерил.МЕДИС-132*20/1000 (ташки)** | комп | 10 | 104 360 | 1 043 600 | 15 | 156 540 | 1 200 140 |
| **Жами:** | | | | | | | | **4 926 140** |

1.4. Товарнинг умумий бахоси Тўрт миллион тўққиз юз йигирма олти минг бир юз қирқ сўм

## 2. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

2.1. Ушбу шартнома буйича тулов куйидаги тартибда амалга оширилади: Шартнома икки томон уртасида имзолангнанидан сунг Сотувчига олдиндан тулов **30 %** микдорида 1 477 842 сумни тулаш. Якуний тулов микдори 3 448 298 сумни яъни келишилган сумманинг **70 %** ни хисоб фактура такдим килингандан сунг амалга оширилади.

2.2. Тулов шакли: Пул утказиш йули билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.2. Шартноманинг 2.1 банди Сотиб олувчи томонидан бажарилган санадан бошлаб товарни уз Сотиб олувчига топшириши шарт.

3.3. Товарни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб олувчига топшириш.

3.4. Товарни шартнома шартларига жавоб берадиган микдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йук булиши мумкинлигини истисно киладиган даражадаги идишларда ва жойлаштирилган холда топшириш.

3.5. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.6. Товарни 2 кунлик муддатда куздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда, Сотиб олувчи шу муддатда Сотувчига аникланган номувофикликлар хакида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

3.7. Сотувчи сифати лозим даражада булмаган товарлар юборилганлиги хакида хабарномани олган пайтдан бошлаб 20 кун ичида сифати лозим даражада булмаган товарни сифатлисига алмаштириш.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган холларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.2. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тулашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тулаб куйилган булса, туланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3. Етказиб берилган товарлар хакини уз вактида туламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,04 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорида пеня тулайди.

4.4. Тарафларнинг жавобгарлик холатлари Узбекистон Республикасининг Иктисодий суди томонидан амалга оширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Ушбу шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатлц шахслари томонидан имзоланган такдирда хакикий хисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Узбекистон Республикасини амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кура, етказилган зарар копланган холда йул куйилади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик холда тарафлар уртасида келиб чикадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя килинган холда хал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига конунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари каноатлантирилмаган такдирда, хукуки бузилган деб хисобловчи тараф низони хал килиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган хужалик судига мурожаат килишга хакли.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга деб хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

7.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабрга кадар.

7.3. Кушимча шартлар:______________________________________________

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

**Сотувчи:**

«TIBTEXNIKA-RENO MEDICAL» МЧЖ ҚҚ

Манзил:Бухоро шахар. Чулпон кучаси 22/2

Тел:65-224-74-66

х\р:20 214 000 505 310 736 001

МФО:00432.АТБ”Узсаноаткурилишбанк”

Яшнобод филиали

ОКЭД:

ИНН: 307 703 338

Рахбар__________ Жумаев О.Т.

**Сотиб олувчи:**

Бухоро шахар туғруқ комп-

лекси қоши поликлиникаси

ш/х - 401412186050641018833105540032

Марказий банк МФО-00014

ИНН - 201912052

ОКОНХ - 91516

Бухоро вилоят ғазначилик

бошқармаси

ИНН - 201122919

х/р - [illegible]2003 301 00001010

Рахбар__________ Саидова З.Н.